O'ZBEKISTON ... INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 28 декабрь, № 256 (4409) Жума


# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораверишига умид билдираман.

**Муҳаммад Ҳусний МУБОРАК,**
**Миср Араб Республикаси Президенти.**

* * *

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари, Сизни, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқини янги муддатга Президент этиб сайланганлигингиз муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Сиз, Жаноби Олийлари Президентлигининг янги даврида икки мамлакат раҳбарлари ўртасида янада кучли ҳамжиҳатлик бўлиши, дўст ва биродар Ўзбекистон мамлакати сиёсий-иқтисодий барқарорлиги жараёнининг давом этиши ҳамда Эрон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқалар янада ривожланиб боришининг шоҳиди бўламиз, дея умид қиламан.

Худованди каримдан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига бахт-саодат ҳамда янада юксак фаровонлик тилаб қоламан.

**Маҳмуд АҲМАДИНЕЖОД,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари, Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан шахсан ўз номимдан ва Туркия халқи номидан самимий табриклайман.

Ўзбекистон билан мустаҳкам алоқаларимиз теран қардошлик ришталари, умумий тарих, тил ва маданий қадриятларга асосланган бўлиб, буларнинг барчаси ўзаро муносабатларимизнинг келажакдаги ривожини таъминлайди.

Шу муносабат билан яқин истиқболда икки томонлама муносабатларимиз ва ҳамкорлигимиз ўзаро ҳурмат ва умумий манфаатдорлик асосида ривожланиб, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли янги босқичга кўтарилишига умид қиламан.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, масъулиятли Президентлик фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса бахт, омад ва фаровонлик тилайман.

**Абдуллоҳ ГУЛ,**
**Туркия Республикаси Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Вьетнам халқи ва шахсан ўз номимдан қизғин муборакбод этаман.

Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий ва дўстона муносабатлар, кўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб, янада ривож топишига ишонаман.

Ўзбекистон халқига Сизнинг раҳнамолигингизда мамлакатингизни ривожлантириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш йўлида янада улкан муваффақиятларга эришишини тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, муҳтарам Президент Жанобларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва юксак масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

**Нгуен Минь ЧИЕТ,**
**Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти.**

(Давоми 2-бетда).

# ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ – ЮРТИМ ҚУДРАТИ




Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

«Мактаб деган улуғ даргоҳнинг инсон улғайиши ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.» Бу Юртбошимизнинг сўзлари. Бинобарин, мактаб бугунги кун, эртанги орзулар, истиқболнинг нурли манзиллари қалбларга жойланадиган қутлуғ маскандир.

Болалигимда дадам менда адабиётга меҳр уйғотганлар. Кўплаб насрий асарлар, шеърий китоблар олиб келиб ифодали ўқиб беришни хуш кўрардилар. Шунданмикан, қалбимда бадииятга мойиллик шаклланди. Гарчанд, оиламиздагилар менинг шифокор бўлишимни исташсалар-да, тақдир тақозоси билан филолог бўлдим. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновга шогирд тушдим. Илмий ишимга энди киришган чоғларим йўлланма билан мактабга жўнатилдим. Озроқ ишлайман-у, қайтиб кетаман, деб ўйлагандим. Қолиб кетдим. Болаларнинг дўсти, муаллими, устози бўлиш нақадар олий саодат эканлигини англаб етдим, шекилли. Касбимга кўнгил қўйдим. 1985 йилдан бери ўқитувчиман. Дастлаб шаҳримиздаги 254-мактабда ишладим. Ўша йилларда мактаб директори Йўлчи Абдуллаев, ўзлари ҳам она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлганлари сабабми, менга устозлик қилдилар. «Ўқувчиларни ўз болалирингдек яхши кўрсанг, қалбини тинглай олсанг, марра сеники» деб уқтирганлари ҳали-ҳануз дилимда жаранглаб туради. Эсимда, она тили

(Давоми 2-бетда).

# ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

**Демосфенис БАРДЗОКАС, Афина миллий техника университети профессори:**

— Мен кўплаб сайлов участкаларида сайлов жараёнини кузатишга муваффақ бўлдим. Бунда Ўзбекистоннинг миллий сайлов қонунчилиги, халқаро меъёрлар ҳамда демократик тамойилларга зид бирор ҳолатга кўзим тушмади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурларининг тарғибот-ташвиқот ишлари соғлом ва ҳалол рақобат асосида ўтди.

Номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари турли ҳудудларда ва жойларда сайловчилар билан беш юздан зиёд учрашув ўтказгани, округ, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг малака ва кўникмасини янада ошириш учун қатор семинар машғулотлари ташкил этилгани Ўзбекистон ҳаётидаги ушбу муҳим воқеага пухта тайёргарлик кўрилганидан, сайловнинг очиқ, ошкора ва транспарент ўтганининг тасдиғидир.

Сайловчиларнинг сайлов участкаларига эрта тонгданоқ кўтаринки кайфиятда келиб, фаол овоз бергани бу жараённинг мутлақо эркин кечганини англатади. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳаллий ва халқаро кузатувчилар учун барча шароит ва имкониятларнинг яратилгани эътиборга моликдир. Ваҳоланки, дунёнинг айрим давлатларидаги сайлов амалиётида хориждан кузатувчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон халқи Президент сайловини халқаро нормалар ва андозалар талабларига биноан ўтказиш билан ўз олдига қўйган юксак мақсадларига, қабул қилган Конституциясига, демократик жамият қуриш борасида амалга ошираётган ислоҳотларига содиқлигини дунё ҳамжамияти олдида яна бир бор намойиш қилди.

Айрим кузатувчиларнинг бу сайлов жараёни ва натижаларига нисбатан нохолис муносабати уларнинг демократик тамойилларни ўз манфаатларига мос тарзда талқин этишидан бошқа нарса эмас.

* * *

**Витторио ЖОРДЖИ, «Евроюрист-Италия» Италия юристлар уюшмаси аъзоси, адвокат:**

— Ўзбекистонда Президент сайлови куни мен Қарши шаҳридаги ўнта сайлов участкасида овоз бериш жараёнини диққат билан кузатдим. Сайловчилар Президентликка номзодларнинг дастури ва сайловга оид қонунчиликдан етарлича хабардор экани алоҳида эътиборга лойиқдир. Сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ифода этди. Бирор сайловчига кимнингдир тазйиқ ўтказганини сезмадим. Номзодлар орасида аёл кишининг борлиги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари доимий ҳимояда эканининг ёрқин тасдиғидир.

## Сўз — халқаро кузатувчиларга

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, сайлов куни сайлов участкаларида, овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлардан 23 мингдан ортиқ кузатувчи қатнашгани унинг демократик тамойилларга тўла амал қилинган ҳолда ўтказилганининг яққол далилидир.

Сайловнинг эълон қилинган дастлабки натижаларига кўра, Ислом Каримов энг кўп — 88,1 фоиз овоз олгани маълум бўлди. Бу — Ўзбекистон халқининг мамлакатингизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга доир йўлни давом эттиришни қўллаб-қувватлашининг тасдиғидир.

* * *

**Муҳаммад Талҳа МАҲМУД АРЪЯН, Покистон Ислом Республикаси Сенати Ички ишлар қўмитаси раиси:**

— Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнини бир неча сайлов участкасида диққат билан кузатдим. Сайловнинг тенглик, ошкоралик, холис ва адолатли тарзда ўтганининг шахсан гувоҳи бўлдим. Сайлов жараёни миллий қонунчилик, халқаро меъёрлар ва демократик тамойилларга тўла мос ўтказилгани эътиборлидир. Сайлов участкаларига одамларнинг эрта тонгданоқ фаоллик билан кўтаринки руҳ ва хуш кайфиятда келаётгани мени жуда ҳайратлантирди. Бу — одамларнинг ўз Ватани, унинг тақдири ва истиқболи учун масъулиятни астойдил ҳис этишидан далолат.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



# ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ – ОДИЛЛИК ОМИЛИ

*Кеча қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

Ўтган йили 17 октябрдан кучга кирган мазкур Қонун ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилди. Жумладан, "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан турли ташкилотлар томонидан доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судлари ташкил этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, Республика ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг жойлардаги бўлимлари ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳузурида ҳакамлик судлари ташкил этилган.

Бу ишлар, албатта, бесамар кетмади. Жумладан, ҳакамлик судлари томонидан 700дан зиёд хўжалик низолари кўриб чиқилди. Бир қатор ишлар юзасидан томонлар ўртасида келишувларга эришилди.

Шунингдек, ҳакамлик судлари орқали низоларни ҳал қилиш имконияти, унинг афзалликлари ҳақида жойларда олиб борилаётган тушунтириш ишлари етарли бўлмаётгани йиғилиш иштирокчилари томонидан қайд этилиб, бу борадаги ишлар сифатини янада ошириш учун тавсиялар берилди.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ МУҚОБИЛЛИК ВА ОШКОРАЛИК АСОСИДА ЎТДИ

***Ўзбекистонда якунланган президент сайловида халқаро ва маҳаллий кузатувчиларнинг кенг иштирок этгани сайлов жараёнининг демократик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтганини яна бир бор тасдиқлади. Буларнинг барчаси хорижий оммавий ахборот воситаларида, турли мамлакатларнинг сиёсий ва экспертлар доираларида Ўзбекистонда давлат раҳбарини сайлаш жараёнига нисбатан катта қизиқишни уйғотди.***

**"Берлинер Умшау" электрон нашри (Германия)** билдирган фикрларга қараганда, Ўзбекистоннинг миллий сайлов қонунчилиги умум миқёсда қабул қилинган эркин, ошкора ва ҳаққоний сайлов тамойилларини ўзида акс эттирган. Конституцияда сайловларнинг умум эътироф этилган демократия андозаларига мувофиқ ўтказилишига тўсиқ бўладиган ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Асосий қонунда халқ ҳокимияти, ошкоралик, муқобил сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш каби муҳим тамойиллар мустаҳкамланган.

**Германияда нашр этиладиган "Markenpost" газетаси** мазкур президент сайловида аёл киши номзодининг илк бор иштирок этганини ижобий баҳолар экан, аҳолисининг кўпчилиги ислом динига эътиқод қилувчи мамлакат учун бу жиҳат ғоят аҳамиятли эканини таъкидлади. Нашр сайловлардаги овоз бериш чоғида сайлов қонунчилигининг меъёрларига риоя қилиш жараёнларини Европа давлатларининг вакиллари кузатиб борганини қайд этди. Шу маънода, бўлиб ўтган президент сайловлари Ўзбекистоннинг сиёсий жиҳатдан янада тараққий топишида муҳим босқич сифатида баҳоланмоқда.

"Ислом Каримов қайта сайланиши муваффақиятининг сабаби шундаки, у ўзининг ваколат муддати давомида мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишига имкон берган "тараққиётнинг ўзбек модели"ни яратди ва уни амалга ошира олди, деб ёзади **Хитойнинг "Синьхуа" ахборот агентлиги** ўз хабарида. Ушбу модел бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни назарда тутади ва беш асосий тамойилга таянади. Бу чора-тадбирлар Ўзбекистон иқтисодиёти равон ва изчил ривожланиши имконини бергани баробарида мамлакатдаги вазиятнинг барқарорлигини таъминлади. Статистика маълумотларига қараганда, шу йилнинг дастлабки тўққиз ойи мобайнида Ўзбекистоннинг жорий йилдаги ялпи ички маҳсулоти ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 9,8 фоизга ўсган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2008 йилда ҳам мамлакат иқтисодиётидаги жадал ўсиш тамойили сақланиб қолади.

Ўзбекистон аҳолисининг сони 27 миллион кишини ташкил этмоқда, уларнинг 64 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Шу муносабат билан И.Каримов ўзининг сайловолди кампаниясида "уларни Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги кунини ҳал қилувчи куч", дея баҳолаб, ёшлар муаммосига жиддий эътибор қаратди".

(Давоми 2-бетда).



*Ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи очилганига бугун икки йил тўлди*

# ОЗОДЛИК ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Мустақиллик майдони Ватанимизнинг юрагидир. Юртдошларимизнинг, мамлакатимиз меҳмонларининг бу муқаддас масканни зиёрат қилишида чуқур рамзий маъно бор. Зеро, бу майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат — Истиқлолимиз рамзидир. Шу боис барчамиз мустақиллик бизга берган неъматларнинг нечоғли буюк ва қадрли эканини шу муаззам майдон тимсолида нафақат тасаввур қиламиз, балки юракдан астойдил ҳис этамиз.

Мустақиллик майдони ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўътабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айлансин. Барчамизнинг истагимиз шуки, Бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намоён этсин, деган эди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов.

Мустақиллик майдонига қадам қўйган ҳар бир инсон қалбида эзгу туйғулар жўш уради. Сенат қаршисидаги жозибадор фавворалар, йўлкалардаги безакли тошлар, тўрт фаслда ҳам гуркираб турувчи дарахт ва яшил майсалар киши баҳри дилини очади. Майдонда 2005 йили Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини ифодалаб турибди. У халқимизнинг ғурур-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилади. Мону-

(Давоми 2-бетда).

**Ниҳоясига етаётган йил МТСнинг Ўзбекистондаги компанияси учун кўплаб муҳим воқеалар ва самарали ишларга бой бўлди. 2007 йил давомида Ўзбекистонда МТС абонентлари сони 2,7 миллион кишига етиб, ўсиш суръати 80 фоизни ташкил этди. Бу жорий йилда Ўзбекистоннинг 1 миллиондан ортиқ аҳолиси МТС хизматидан фойдаланганидан далолат беради.**

# МТС: 2007 ЙИЛ ЯКУНЛАРИДАН ДИЛЛАР ШОД

Кўп сонли абонентларни замонавий мобиль алоқа билан таъминлаш компаниядан кўплаб техник ва ташкилий масалаларни ҳал этишни талаб қилади. Ўтган йил мобайнида мамлакатнинг барча ҳудудларида МТС тармоғи анча кенгайтирилди. Айнан шу туфайли юз минглаб янги абонентлар МТС тармоғига уланди.

Компаниянинг миллионлаб абонентларини замонавий алоқа билан таъминлаш мақсадида Самарқанд, Наманган, Фарғона, Жиззах, Китоб ва Янгийўл шаҳарларида абонентларга хизмат кўрсатиш учун катта залларга эга янги икки ва уч қаватли офис бинолари фойдаланишга топширилди. Тошкентда эса компаниянинг Амир Темур кўчаси, 24-уйда жойлашган иккинчи катта офиси очилди. Бундан ташқари, абонентлар ўзлари учун қулай бўлган жойларда МТС тармоғига уланиши ва кўрсатилаётган хизматларга ҳақ тўлаши учун дилерлик пунктлари тармоғини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди. Бунинг натижасида йил давомида дилерлик тармоғи 2 бараварга кенгайтирилди.

## Қўшимча хизматлар

Дунёда замонавий мобиль алоқа бўйича қўшимча хизматлар кўрсатиш абонентларга тақдим этилаётган хизматларнинг ажралмас ва муҳим қисмига айланиб бормоқда. Ҳозир ушбу хизматларсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, улар мобиль алоқани оддий алоқадан фарқли ўлароқ янада қулай бўлишини таъминламоқда. Бу хизматлар орқали Интернет тармоғидан ахборот олиш, ўз телефонингиз учун куй-қўшиқлар, суратларни кўчириб олиш ёки бўш вақтингизни қизиқарли ўтказишингиз мумкин.

Шу йилнинг январида МТС компанияси Ўзбекистонда илк бор «Inform-Mobil Tashkent» контент-провайдер билан ҳамкорликда ўз абонентларига 0849-сервис рақами бўйича «Мобил-таун» янги ва ўзига хос овоз порталини тақдим этди. Порталда дўстларни табриклаш ёки ҳазиллашиш имконини берадиган «Зерикманг» овозли кўнгилочар сервис хизмати, рингтон ва куй-қўшиқларни тинглаш ҳамда телефонга кўчириб олиш имконини берадиган «Рингтон-парад» хизмати, янги дўстлар билан танишиш ва мулоқот қилиш имконини берадиган «Амигос» танишиш хизматидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, абонентларимиз ўз дўстларига ҳазиллашиш ёки мобиль телефонига куй-қўшиқларни ёзиб олиш, ҳаво кемалари қатнови жадвали ёхуд астрологик тақвим ҳақида ахборот олиш имконини берадиган бошқа кўплаб фойдали ҳамда кўнгилочар хизматлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

«Кредит-Стандарт» банки мижозлари бўлган Ўзбекистон МТС абонентлари апрель ойидан бошлаб 430-сервис рақами бўйича **«SMS-banking»** янги хизматидан фойдаланиш имконига эга бўлди. Ушбу хизматдан фойдаланувчилар ўз телефонидаги командалардан бири орқали шу рақамга маълумот юбориб, ўз ҳисоб-рақами ёки кўрсатилган ҳисобрақамида пул маблағларининг айланиши тўғрисида ахборот олиши мумкин.

Октябрь ойидан бошлаб абонентлар учун «USSD» хизмати орқали ўзига ўзи хизмат кўрсатиш тизими жорий этилди. Энди абонентлар телефонидаги USSD командасини териб, ўз ҳисобидаги маблағ балансини билиши, бошқа хизмат кўрсатиш режасига ўтиши, ўз телефон рақамига қўшимча хизматларни улаши ва созлаши мумкин.

Агарда абонент тармоқнинг хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида ёки унинг телефони ўчирилган бўлса, «**Сизга қўнғироқ қилишди**» янги бепул хизмати ўтказиб юборилган қўнғироқлар ҳақида маълумот олиш имконини беради. Бундан ташқари, қўнғироқ қилган абонентларга абонент тармоқнинг хизмат кўрсатиш доирасида экани ва унга қўнғироқ қилиш мумкинлиги ҳақида хабар берувчи **«Алоқада»** хизматидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ноябрда эса МТС абонентлари учун «**GOOD'OK»** янги мусиқавий хизмати жорий этилди. Абонентлар ўз телефонларига бу хизматни ўрнатганларидан сўнг уларни чақираётган абонентлар оддий товушлар ўрнига машҳур куй-қўшиқлар, қувноқ ҳазиллар, фильмлар ва мультфильмлардан овозли парчалар эшитадилар.

**«Тўппа-тўғри ўтказиш»** хизмати абонентга дўсти алоқада қолиши учун ўз телефон рақами ҳисоб рақамидан унинг рақамига пул ўтказиб, балансини тўлдириш имконини беради.

Янги йил арафасида МТС ўз абонентларига янги йил туҳфаси — кеч соат 00.00 дан эрталаб 6.00 гача Ўзбекистон МТСнинг 10 та рақамига бепул қўнғироқ қилиш имконини берадиган «**Янги йил рақамлари**» ва шанба ҳамда якшанба кунлари МТС тармоғи ичида чекланмаган бепул SMS ва MMS юбориш имконини берадиган «**Янги йил SMS и MMSлари»** хизматларини таклиф этади.

## Режалар ва тарифлар

МТС компанияси қўшимча хизматларни таклиф этиш билан бирга, турли тоифадаги абонентларга кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида янги тариф режаларини жорий этиш устида ишламоқда, овозли ҳамда қўшимча хизматлар учун тарифларни режа асосида арзонлаштирмоқда.

2007 йил давомида Ўзбекистон бўйича мобиль телефонлардан барча кириш қўнғироқларини бепул қабул қилиш имконини берадиган «**Биринчи**», кўпроқ гаплашишни истаганлар учун абонент тўловисиз ва сўзлашувнинг 2-дақиқасидан бошлаб нарх пасайиб борадиган «**Эркин**» каби янги тариф режалари жорий этилди. Шу билан бирга, абонентларга «RED» тизимининг Pre-paid янги тежамкор режалари — қўнғироқлар сониялаб нархланадиган «***RED Basic» ва «RED Light***» тарифлари таклиф этилди.

МТС компанияси томонидан кўрсатилаётган мавжуд хизматлар учун нархлар бир неча марта пасайтирилди: уланиш чоғида олдиндан энг кам тўлов 5000 сўмдан 3000 сўмга, шартномани қайта расмийлаштириш тарифи $5 дан $2 га камайтирилди, энди хизмат кўрсатиш режасини атиги $0,05 га алмаштириш мумкин.

МТСнинг кўпгина абонентлари «Севимли рақамлар» хизматини муносиб баҳолаб, ундан кенг фойдаланмоқда. Абонент Ўзбекистон бўйича ўзи ёқтирган 5 та рақамни танлайди ва уларга камайтирилган тариф бўйича қўнғироқ қилиши мумкин. Сентябрдан бошлаб «Севимли рақамлар»га қўнғироқларнинг бир дақиқаси учун бор-йўғи $0,02 нарх белгиланди.

Ҳозирги ҳаётни Интернет тармоғисиз тасаввур қилиб бўлмайди. МТС компанияси ўз абонентларига Интернетга мобиль телефон орқали «GPRS» хизмати ёрдамида юқори тезлик билан уланиш имконини беради. Бунинг учун абонент тўлови қарийб уч баравар — кунига $0,03 гача камайтирилди.

Бундан ташқари, МТСнинг барча абонентлари МДҲ мамлакатлари билан халқаро сўзлашув учун янги ва қулай тарифга эга бўлди. Энди улар ушбу мамлакатларга бемалол қўнғироқ қилиши ва бир дақиқа учун $0,30 тўлаши мумкин.

Компания ўзининг корпоратив мижозлари МТС тармоғи хизматларидан янада самарали фойдаланиши учун «Корпорация» тариф режасида нархларни анча пасайтирди.

## Халқаро роуминг

Чет эл давлатларига тез-тез сафар қиладиган МТС абонентлари халқаро роуминг хизматидан фойдаланишга кўникиб қолган. Бу йил Ўзбекистон МТСнинг роуминг бўйича ҳамкорлари сони 143 мамлакатда 259 та операторга етди. 2007 йилда Ўзбекистон МТС роумингидан Австралия, Ангола, Андорра, Бруней, Вьетнам, Гамбия, Гана, Гватемала, Ироқ, Эрон, Косово, Кот д'Ивуар, Ливия, Мадагаскар, Никарагуа, Намибия, Парагвай, Словакия, Судан, Тайвань, Танзания, Уругвай, Эфиопия каби давлатларда ҳам фойдаланилмоқда.

Кўпчилигимиз хорижга сафар чоғида Интернетдан фойдаланишни хоҳлаймиз. Бу айримларга бизнес учун керак бўлса, бошқаларга истаган пайтда дўстларига электрон мактуб ва фотосуратларни юбориш учун керак. МТС дунёнинг 40 та давлатида 62 та мобиль алоқа операторига халқаро «GPRS» роуминги хизматларини кўрсатмоқда. Бу йил ушбу мамлакатлар сафига Исландия, Мўғулистон ва Япония ҳам қўшилди.

## Кўргазма ғолиби

МТС-Ўзбекистон жорий йилнинг сентябрида бўлиб ўтган анъанавий «ICTExpo-2007» ахборот технологиялари миллий кўргазмасида иштирок этди. МТС-Ўзбекистоннинг махсус тайёрланган стендида компания мобил тармоғининг кенг кўламли хизматлари намойиш қилинди. Айниқса, телекоммуникациялар соҳасида намойиш этилган энг сўнгги ютуқлар, яъни айнан **«3G»** ва **«WiMAX»** тармоғи хизматлари кўргазмага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди. **«3G»** тармоғи — бу учинчи авлод алоқаси («UMTS» стандарти базасида), **«WiMAX»** эса — симсиз кенг полосали хизмат кўрсатишдир (802.16е стандарти базасида). 2007 йилда компания учинчи авлод тармоқларини барпо этиш лицензиясини қўлга киритди ва келаси йили шу асосда хизмат кўрсатишни режалаштирмоқда.

Катта ҳажмдаги ахборотни юқори тезлик билан узатиш бўйича янги имкониятлар **«3G»** тармоғининг асосий афзалликларидан ҳисобланади. Бундай тармоқ абонентларга мулоқотнинг мутлақо янги имкониятларини очиб беради. Ана шундай имкониятлардан бири бўлмиш мобиль видео-қўнғироқлар пайтида абонентлар нафақат бирбирини эшитиши, балки кўриши, мобиль телевидение экрани орқали махсус каналларни томоша қилиши, Интернетга доимий равишда тезкор уланиши ва бошқа кўплаб янги хизматлардан фойдаланиши мумкин.

**«WiMAX»** симсиз кенг полосали технологиянинг бошқа шундай технологиялардан фарқи унинг мобиллиги, яъни ҳаракатчанлиги ҳисобланади. Бошқача айтганда, ушбу технология абонентнинг компания тармоғи ичида қаерда бўлишидан қатъи назар, унга юқори тезкорлик билан узатиладиган маълумотлардан фойдаланиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, **«WiMAX»** технологияси маълумотларни симсиз узатишнинг янги авлоди бўлиб, бунда маълумотларни узатишнинг энг юқори тезлиги 75 Мб/с ни ташкил этиши мумкин.

Ўзбекистонда МТС компанияси томонидан энг янги технологияларни намойиш этиш саъй-ҳаракатларини кўргазма ташкилотчилари юқори баҳолади — компания «Энг инновациявий стенд» номинациясида ғолиб чиқди.

## Янги вазифалар

Якунланаётган йил оламшумул воқеа ва муваффақиятларга бой бўлди. Бироқ кириб келаётган Янги йилда компания янада тез ривожланади. Чунки Ўзбекистонда мобиль алоқа хизматларига мамлакатимизнинг миллионлаб аҳолиси уланиш ниятида. Айни пайтда Ўзбекистонда мобиль алоқа қамрови қарийб 20 фоизга етди ва келгуси йил бу кўрсаткич тахминан икки бараварга ортади. Компания бунга тайёргарлик кўриш учун 2008 йил давомида янги базавий станцияларни фойдаланишга топшириш ва тармоқ кўламини янада кенгайтириш ишларини давом эттиради. Янги йилда Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган кўплаб аҳоли МТС хизматларидан, шунингдек, «3G» ва «WiMAX» тармоқларининг биринчи навбати ишга туширилгач, Ўзбекистонда ҳали кўрсатилмаган янги хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлади. Январь ойида Нукус, кейинчалик Қаршида компаниянинг янги офислари иш бошлайди.

МТС-Ўзбекистон компанияси ходимлари келгуси йилда ҳам, ўтган 15 йилда бўлганидек, белгиланган вазифаларни ҳал этишга аҳд қилган ва миллионлаб абонентларга сифатли мобиль алоқа хизматларини кўрсатишга тайёрдир.

Компания ўз абонентларини, Ўзбекистоннинг барча аҳолисини кириб келаётган Янги — 2008 йил билан чин дилдан табриклайди!

**Т. ИРГАЗИЕВ,**
**«Уздунробита» хорижий корхонасининг маркетинг бўйича директори.**





Минск автомобиль заводининг Ўзбекистондаги расмий вакили
**«ADVENT EURASIA» ҚК**
**«МАЗ» русумли барча турдаги автомобиллар, шу жумладан, автобуслар, троллейбуслар, махсус техника, тиркама техникалар, автокран, автомобилларга бензин қуювчи ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришга буюртмалар қабул қилади.**

**Етказиб берилган техникалар «ADVENT EURASIA» қўшма корхонаси сервис хизмати кўрсатиш шохобчасида рўйхатга олинади ва техник хизмат кўрсатилади.**
***Кафолат муддати — 3 йил.***
Тел./факс: 234-10-97.
Телефон: 234-19-53.
Манзилимиз: Тошкент ш., В. Малясов к., 3-«А» уй, 4-қават, 413-хона.
Мўлжал — «Юлдуз» фабрикаси.
1472R/1346

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 20 декабрдаги 10-0719/16200-сонли ажримига асосан**
**«Хобас-Тапо» қўшма корхонаси**
**ёпиқ акциядорлик жамиятига банкротлик таомилининг кузатув жараёни киритилди ва корхонанинг муваққат бошқарувчиси этиб, 3-тоифали суд бошқарувчиси Мусахоний Алишер Ғолибжон ўғли тайинланди.**
**2008 йил 6 февралга қадар корхонанинг кредиторлари талаблари қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй.**
Мурожаат учун телефонлар: 294-56-67, 155-60-36.



# ДАТ «АСАКА» банки жамоаси

*ўз акциядорлари, мижозлари ва барча юртдошларимизни кириб келаётган*

*Янги — 2008 йил*

*билан самимий қутлайди!*

*Ушбу қувончли кунларда ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, омад ва фаровонлик тилайди.*

# «Ўзметкомбинат» АИЧБ

**қуйидаги халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаради: кенг ассортиментдаги сирланган пўлат идиш-товоқлар, пўлат симлардан тайёрланган мих, металл тўрлар. Бундан ташқари, комбинатда пайвандлаш электродлари, тиканли сим, больт, гайкалар ҳам ишлаб чиқарилади.**



**Комбинатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни мамлакатимизнинг барча минтақаларида жойлашган қуйидаги савдо дўконларидан харид қилишингиз мумкин:**

| | |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, шаҳар марказий деҳқон бозори ҳудуди, 5-сонли «Серекеев Баҳодир» дўкони | 8-361-3522083 |
| Андижон вилояти, Андижон шаҳри, 1-микрорайон, Ломоносов кўчаси, «Тожмаҳал Дархон» дўкони | 8-374-2263233 |
| Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, марказий «Карвон бозор» ҳудуди, 134, 135-сонли «Жаҳонгир» дўконлари | 8-365-2256009 |
| Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, «Ёшлик» маҳалла гузари, «Арсенал» дўкони | 8-372-3250176 |
| Қашқадарё вилояти, Қарши ш., 4-микрорайон, 19-«А» уй, «Минимаркет» дўкони | 8-375-2231787 |
| Навоий вилояти, Навоий ш., Навоий к., 15-«А» уй, «Супермаркет» дўкони | 8-436-2233583 |
| Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-тор кўча, 99-уй, «АЛ-МАРВА» дўкони | 8-369-2331369 |
| Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, «Нарпай» кўчаси, 85-уй, «Хўжалик моллари» дўкони | 8-366-2210973 |
| Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, А.Икромов кўчаси, 95-уй, «Азизбек Феруз Орион» дўкони | 8-376-3931502 |
| Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 181-уй. «Жабборов У.М.» дўкони | 2237264, 4174790 |
| Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Терешкова кўчаси, 3-сонли «Zebo-Beautiful-Garden» дўкони | 8-367-3721353, 2326724 |
| Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Тошкент ҳалқа йўли» к., «АЛ РАВНАҚ» дўкони | 99871-327-00-17, 99871-108-66-15 |
| Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, «Деҳқон» кўчаси, «Анваржон» дўкони | 8- 373-2245851 |
| Хоразм вилояти, Урганч тумани, «Мустақиллик» кўчаси, «Ш.Машарипов» дўкони | 8-362-2256013 |

**Маҳсулотлар сертификатланган.**

**Сирланган пўлат идиш-товоқлар савдо дўконларига комбинат томонидан етказиб берилиб, ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган нархлар асосида сотилади.**

**Маълумот учун телефонлар: (8 370) 912-20-54, 912-37-84, 913-19-07.**

# «МИКРОКРЕДИТБАНК»

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ



*юртдошларимизни*

*Янги — 2008 йил*

*билан муборакбод этади.*



*Ҳар бир оилага бахт-саодат, ҳар бир хонадонга файзу барака тилайди.*

### ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Микрокредитбанк» тадбиркорларнинг ишончли ҳамкоридир. Узоқни кўзлаб яратувчилик ишларига қўл ураётган бўлсангиз, албатта бизга мурожаат қилинг.

**ТАКЛИФ — СИЗДАН, САРМОЯ — БИЗДАН**

Замонавий тўлов воситаси (электрон ҳамён) ҳисобланган «Микрокредитбанк» пластик карточкалари:

— *маиший хизмат корхоналарида, меҳмонхоналарда, машинага ёнилғи қуйиш шохобчаларида, уяли алоқа компанияларида ва ҳатто метрополитенда тўловларни амалга оширишда, шунингдек, савдо шохобчаларидан моллар харид қилишда қулай тўлов воситасидир;*

— *сизни кўп миқдорда нақд пул олиб юриш ташвишларидан халос этади;*

— *сизга ушбу банкнинг вилоятлар марказларидаги, шаҳарлар ва туманлардаги бўлинмаларидан нақд пул билан ва нақд пулсиз барча ҳисоб-китобларни амалга оширишингизга имкон яратади.*

Пластик карточкалардаги пулларингиз жамғармага қўйилгани сингари тўпланади ва кўпая боради.

«Микрокредитбанк» пластик карточкалари орқали йилига 20 фоиз даромад келтирадиган «Хазина карт» жамғармасидан фойдаланишингиз мумкин.

Шунингдек, пластик карточкалардан оилангизнинг барча аъзолари фойдаланишлари мумкинлиги, карточкалар йўқолган ҳолда қолган маблағларингиз янгисига ўтказиб берилиши билан ҳам қулай саналади.





**Омонатга қўйилган маблағингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.**

**«МИКРОКРЕДИТБАНК» ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!**

**«Микрокредитбанк» жисмоний шахсларга ўзининг йиллик 30 фоизли «Фаровонлик», 24 фоизли «Нурафшон», «Мафтункор», 20 фоизли «Меҳрибонлик», «Мададкор», «Камалак», «Хотира», 19 фоизли «Кумуш тола», 18 фоизли «Орзу», «Нуроний», «Сиҳат-саломатлик», «Тежамкор – коммуналчи», «Она юрт», «Ҳомий», «Шифокор», «Мучал тўйи», «Омад» сингари жами – 21 хилдаги омонат турларини таклиф этади.**

**ОМОНАТИНГИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАЙМИЗ ВА КЎПАЙТИРАМИЗ!**

*Хизматлар лицензияланган.*

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-28-11, 173-43-11, 173-05-86, 173-15-81. Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, Лутфий кўчаси, 14-уй.**

**«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**

1063Н/2341


2008
Atlas Copco Rock Drills AB
компанияси
Ўзбекистон аҳлини
яқинлашиб келаётган
Янги йил билан
муборакбод этади!


Азиз юртдошлар!
Банкимиз акциядорлари
ва мижозлари!
«UT BANK»
ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ БАНКИ
КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ
барчангизни
кириб келаётган
Янги – 2008 йил –
Ёшлар йили билан
самимий муборакбод этади!
Барчага
сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат ва фаровонлик
тилайди.
UTBANK


«ЎЗЭЛЕКТРОАППАРАТ-
ЭЛЕКТРОЩИТ»
ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ
Ўзбекистон халқини кириб келаётган
2008 йил билан қутлайди.
Янги йил ҳар бир хонадонга тинчлик,
хотиржамлик, бахт-саодат ва
тўкинлик олиб келсин.
ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!
Мижозларимиз сафида сизни ҳам кўришдан мамнунмиз
ва самарали ҳамкорлик қилиш умидидамиз.

2008

BRITISH AMERICAN TOBACCO
UZBEKISTAN

*Бритиш Американ Тобако*
*Ўзбекистон компанияси*
*Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини*
*Янги – 2008 йил билан самимий табриклайди!*
*Янги йил бахт, омад, осойишталик*
*ва файзу барака келтирсин!*

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТ МАРКАЗИ**

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
**Янги — 2008 йил —**
ЁШЛАР ЙИЛИ БИЛАН
ЧИН ҚАЛБДАН ТАБРИКЛАЙДИ!

Элимиз ва хонадонларимиз обод, турмушимиз фаровон, ҳаётимиз чароғон бўлсин!

**«ALSKOM»**
ALSKOM
ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ҚЎШМА СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

*юртдошларимизни ва ўз мижозларини*
**ЯНГИ — 2008 йил**
*билан чин дилдан муборакбод этади!*

*Сизларга эзгулик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик ва қут-барака тилаймиз.*

*Мижозлар манфаатларини кафолатли ва ишончли суғурта ҳимояси билан таъминлаш мақсадида таклиф этаётган хизматларимиз фаолиятингизнинг барқарор ривожланишига кўмак беради, деган умиддамиз.*

*Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!*

1950Р/2361

***Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўш саҳифа бепул илова қилинмоқда.***

AREVA

ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН!
2008




*«AREVA T&D»нинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси.*

*Тошкент ш., 100070, Шота Руставели к., 41-уй, 510-офис. Тел. +99871 255-28-66. Факс: 99871 255-91-89. www.areva-td.com*

T&D

Drive your way



Тел.: 250-11-11, 250-69-99,
Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил.
Маҳсулот сертификатланган.

EURO2008
HYUNDAI Official Partner
www.hyundai-motor.com

**Саломатлик**

***Жиззахда шаҳарнинг Маданият, Бобур маҳаллаларида яшовчи 30 минг нафарга яқин аҳолига хизмат кўрсатадиган оилавий поликлиника ишга тушди. Тиббий даргоҳ, шунингдек, шаҳарнинг саноат ҳудудидаги завод-фабрикалар ишчи-хизматчилари соғлигини ҳам муҳофаза қилиш учун мўлжалланган.***

## ЯНА БИР ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА

Мазкур поликлиника замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, соғлиқни сақлаш бўйича хизматнинг 20 дан ортиқ турини кўрсата олади.

Етмиш нафардан зиёд тиббиёт ходимлари мазкур оилавий поликлиникани барпо этишда «Бизнес Жиззах» хусусий қурилиш фирмаси бунёдкорлари самарали меҳнат қилдилар.

Шаҳар марказий шифохонаси бош ҳакими Мухтор Суннатуллаевнинг таъкидлашича, яқин кунларда поликлиника қошида 60 ўринли кундузги физиотерапия бўлими фаолият кўрсата бошлайди. Янги йилдан бошлаб эса 20 дан зиёд янги иш ўринлари очилади.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЯНГИ ТИББИЙ МАРКАЗ

***Урганч шаҳрида Республика кўз микрохирургияси марказининг филиали қуриб фойдаланишга топширилди. Шифо маскани 73 млн. сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.***

— Президентимиз 2005 йили Хоразмга ташриф буюрганида кўпроқ ихтисослашган шифохоналар ташкил этишни тавсия қилган эди, — дейди филиал бош шифокори Бекберган Нуриллаев. — Шунга кўра, вилоятда ихтисослашган тиббий муассасалар ташкил этилмоқда.

Дарҳақиқат, Урганч шаҳрида Республика урология марказининг филиали ишлаб турибди. Унинг ёнига Кўз микрохирургияси маркази филиали қўшилди. Келажакда кардиология маркази бунёд этилади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**










Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6 8